



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 11 (11.822)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2011 йил — Кичик бизнес
ва хусусий тадбиркорлик йили

ИШ ҲАРАКАТИНИНГ КЎПАЙМОҚДА

Бу ҳақда Президентимиз ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида алоҳида тўхталиб, «Ички бозоримизни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдирishда, бугунги кунда биз учун энг долзарб масалалардан бири бўлиши аҳолимизни, авваламбор ёшларимизни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг оширишига эришишда айни шу соҳани тез ва жадал суратлар билан ривожлантириш энг асосий омиллардан бири эканини ҳеч унутмаслигимиз даркор» дея таъкидлади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилини эзгу мақсадлар билан бошлаган тадбиркор жамоалар ора-

Кичик бизнес субъектлари ҳамда хусусий тадбиркорлар сафининг ортиши бандлик масаласини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этиб, бунинг натижасида минглаб аҳоли иш билан таъминланиб, оилалар даромадлари ортмоқда, турмуш фаровонлиги ҳам юксалмоқда.



Козим Ўлмасов олган сурат

тиришни кўзлаб турибмиз, — дейди корхона раҳбари Махбура Қодирова. — Тикув цехимизга янги ускуналар ўрнатиб, ҳам маҳсулот турларини кўпайтирамиз, шунинг баробарида ишлаб чиқариш ҳажмини оширамиз.

(Давоми 2-бетда)

Янги қонунлар моҳияти

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишда қонун ҳужжатлари мазмун-моҳиятини кенг тарғиб-ташвиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу жараёнда икки палатали парламентимиз томонидан қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳиятини аҳоли ва тегишли ижрочиларга етказиш, улар юзасидан тарғибот-ташвиқ ишларини олиб бориш — давр талаби. Халқимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини кенг жамоатчиликка тушунтириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасида бу жиҳатларни алоҳида таъкидлади: «Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир.

Шу муносабат билан, бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлайди».

(Давоми 2-бетда)

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш иқтисодий тарғибот-ташвиқ муҳим омилларидандир. Бугун мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатларига эришилмоқда, бу борада шаклланган қулай инвестицион муҳит хорижий сармоядорлар эътиборини жалб қилмоқда. Бизнесни юритишнинг янги шакллари амалиётга жорий этилаётир. Улардан бири — йирик ва кичик бизнес, шунингдек, хусусий тадбиркорлик манфаатларини уйғунлаштириш имконини берадиган франшизинг тизимидир. Мазкур тизим ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни халқаро бозорларга олиб чиқиш билан бирга, маҳсулот ва хизматлар сифатини назорат қилиш, бозорда иш юритиш стандартларини шакллантириш, янги иш ўринларини ташкил этишга ёрдам беради.

Илғор тажриба, янги услуб ва технологияларни ўзлаштириш ҳар қандай фаолият тури учун доимо фойдалидир. Тадбиркорликнинг замонавий шакли бўлган франшизинг ички ва халқаро шартномаларни тузишда ҳуқуқий ҳимояни ва уларни амалда қўллашни, машхур савдо белгилари ва бизнес технологияларининг мамлакатимиз ичидида ҳамда ташқарисидида ривожлантиришни таъминлайдиган зарур қонунчилик базаси мавжуд бўлиши тақозо этади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароит яратиш мақсадида 2010 йил 4 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул қилинди. Бу қарорга мувофиқ франшизинг ҳақидаги шартномалар давлат рўйхатидан ўтказилади, қонун ҳужжатларига биноан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ваколатига эга бўлган давлат органлари билан франши-

зинг тўғрисидаги шартнома бўйича лицензиат ёки лицензиар сифатида иш кўрадиган юридик шахслар, яъни тартибдаги тадбиркорлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тартибга солинади.

Тасдиқланган низомга кўра, франшизинг тўғрисидаги шар-

плекс мутлақ ҳуқуқларнинг ҳуқуқий эгаси ҳисобланади. Бунинг учун рўйхатдан ўтказувчи тегишли органларда франшизинг тўғрисидаги шартномани давлат рўйхатидан ўтказишни ҳисобга олиш журналида рўйхатдан ўтиш лозим.

ТАДБИРКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

тнома — у бўйича бир тараф (лицензиар) иккинчи тараф (лицензиат)га муайян ҳақ эвазига лицензиарнинг фирманомидан ҳамда қўриқланадиган тижорат ахборотидан, шунингдек, шартномада назарда тутилган мутлақ ҳуқуқлар сирасига кирувчи бошқа объектлардан (товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва ихтиролар ҳамда бошқалардан) лицензиатнинг тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш ҳуқуқини ўз ичига оладиган мутлақ ҳуқуқлар комплекси (лицензия комплекси)ни бериш мажбуриятини оладиган шартномадир. Бу ерда лицензиар франшизинг тўғрисидаги шартнома асосида ҳуқуқий фойдаланувчи лицензиатга тадбиркорлик фаолиятида маълум ҳақ эвазига фойдаланиш мақсадида берилиши мумкин бўлган ком-

плекс мутлақ ҳуқуқларнинг ҳуқуқий эгаси ҳисобланади. Бунинг учун рўйхатдан ўтказувчи тегишли органларда франшизинг тўғрисидаги шартномани давлат рўйхатидан ўтказишни ҳисобга олиш журналида рўйхатдан ўтиш лозим.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Тошкент бирлашган техника мактабидида МК «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

✓ **СЕРГЕЛИ** туманидаги «Баҳор» маҳалласида «Соғлом авлод учун» жамғармасининг туман таянч маскани томонидан ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари тиббий кўриқдан ўтказилиб, дори-дармонлар тўплами топширилди.

✓ **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманидаги «Югнакий» ва Олмазор туманидаги «Намуна» спорт мажмуаларида футбол, волейбол каби бешта спорт тури бўйича ўқувчи-ёшлар ўртасида кизиқарли мусобақалар бўлиб ўтди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан «Алкогол ва тамаки маҳсулотлари истеъмолчини чеклаш — соғлом жамият қафолати» мавзусидаги давра суҳбати ўтказилди.

• Бухоро халқаро аэропортига «ISO-9001:2008» халқаро сифат сертификати берилди. Аэропортнинг нуфузли сертификатга эга бўлиши унинг дунёдаги қатор давлатлар авиакомпаниялари билан ҳамкорлик қилиш имкониятларини кенгайтиради.

• Навоий вилоятида замонавий Матбуот уйи барпо этилди. Шунингдек, бу ерда вилоят босмахонаси ҳам ишга туширилди. «Навоий—Матбуот нашр» деб номланган, чет эл технологияси асосида ишлайдиган мажмуа бир соат ичида 30 минг нусха газетани замон талаблари даражасида босиб чиқаради. Энг муҳими, Матбуот уйи марказий газеталар мухбирлари, умуман, соҳа вакиллари бир даргоҳда, қулай шароитда ишлашлари учун хизмат қилмоқда.

• Наманган вилояти Уйчи туманидаги Ўнҳаёт шаҳарчасида маиший хизмат ва сервис мажмуаси қад ростлади. «Жўрабек алоқа сервис» хусусий корхонаси томонидан ушбу мажмуани барпо этиш учун 63 миллион сўмлик маблағ сарфланди. 20 киши меҳнат қилаётган мажмуада тикувчилик цехи ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди.

• Жондор туманининг «Мирзаён» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Қорақумори, Обод, Тупрез, Раҳимобод маҳаллаларида яшовчи уч минг нафардан зиёд аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди. Бунинг учун туман «Сув-оқова» бошқармаси томонидан 396 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

• Хўжайли туманилик тадбиркор Ш.Полвонова томёпкич материаллари тайёрлашга ихтисослаштирилган кичик корхона ташкил этди. Ушбу хайрли ишни амалга оширишда тадбиркорга «Миллий банк»нинг туман филиалидан олинган 50 миллион сўмлик кредит кўл келди. Корхонада тайёрланган дастлабки 10 миллион сўмлик маҳсулот ўзининг сифати ва пишиқлиги билан буюртмачилар эътиборини тортиди.

• Ўзбекистоннинг туристларни жалб этувчи йирик шаҳарларидан иккитаси — Хива ва Самарқандда жаҳон андозаларига мос меҳмонхоналар бунёд этилди. Хусусан, «Ўзбектуризм» компанияси Хивада 250 та хонага эга тўрт юлдузли «KHIVA SILK ROAD HOTEL» меҳмонхонасини қуришни режалаштирмоқда. Самарқандда эса «SAMARQAND SILK ROAD» меҳмонхонаси жаҳон андозаларига мос равишда қайта таъмирланади ва жиҳозланади. Бу лойиҳанинг қиймати 10 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

ЖАҲОНДА

• Европарламент депутатлари Тунисдаги вазиятнинг кескинлашуви ҳамда Белоруссияга нисбатан санкциялар жорий этиш масалаларини кўриб чиқадилар.

• Тунис Бош вазири Муҳаммад Гануши мамлакатнинг миллий яқинлик ҳукумати бугун шакллантирилишини маълум қилди.

• Гаитининг собиқ президенти Жан Клод Дювалье чет элларда 25 йиллик саргардонликдан сўнг ўз мамлакатига қайтиб келди. У кейинги пайтларда мамлакатда юзага келган сиёсий инқироз ҳамда кучли ер қимирлаши асоратларини тугатишда ёрдам беришга тайёр эканлигини билдирди.

• Венесуэлада ҳукумат биносига ўт қўйганликда гумон билан тўққиз киши ҳибсга олинди.

• Кеча Грециянинг ҳудудий сувларида кучли бўрон эсаётган пайтда халокатга учраш арафасидаги кичик кемадан асосан афғонистонлик 240 нафар ноқонуний муҳожирлар кутқариб қолинди. Ҳозирда улардан бедарак йўқолган 22 нафари кидирилмоқда.

• Компьютер тизимидаги носозликлар Япониядаги тезорар поездлар ҳаракатини бирмунча муддат издан чиқарди.

• Италиянинг Сицилия шаҳрида Европадаги энг йирик вулқон — Этна яна ҳаракатга келди. Айни вақтда Ўрта ер денгизида шарқий ҳаво оқими ҳам фаллашди. У вулқондан чиқувчи кулли ту-тунни бутун Шарқий Европада ёйиши мумкин. Маҳаллий ҳукумат ҳавфли ҳудудда жойлашган аэропортлар фаолиятини тўтатди.

ТАДБИРКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Йирик корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида кооперация алоқаларини франшизинг механизмидан фойдаланган ҳолда янада кенгайтириш мақсадига Савдо-саноат палатаси Адлия вазирлиги ҳамда Давлат патент идораси билан биргаликда таъкидланган тадбиркорлик режасини тасдиқлади. Шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби, тадбиркорлик субъектлари ва давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар учун франшизингни ривожлантириш афзалликлари, ушбу низомнинг асосий мақсадлари ва моҳиятини тушунтирадиган ахборотни тарқатиш, халқаро эътироф этилган франшизинг компаниялар ва уларнинг брендларини мамлакатимизга жалб этиш, муваффақиятли ишлаётган корхоналар таърибасини кенг ёйиш ҳамда миллий брендларни чет элга чиқариш бўйича давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказиш шундай тадбирлардандир. Масалан, жорий йилнинг биринчи ярмида худудий адлия бошқармалари, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари ходимлари учун семинарлар ўтказилади. 2011-2013 йилларда тадбиркорлар ва давлат рўйхатидан ўтказиш органлари вакилларини кенг жалб этган ҳолда, франшизинг механизми ёрдамида тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш масалалари бўйича давра суҳбатлари бўлиб ўтади.

Таъкидлаш керакки, интернет тармоғида тушунтирувчи материалларни жойлаштириш ҳам франшизинг механизмининг кенг жорий этишнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Ушбу тизимга қизиқувчи шахслар www.lex.uz, www.minjust.uz, www.chamber.uz сайтларида зарур ахборот билан танишиши мумкин.

Бундай тадбирларни изчиллик билан ўтказиш, шубҳасиз, тадбиркорлик маданиятини юксалтириш, бизнеснинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, тайёргарликдан ўтмасдан ва бирровнинг кўмагисиз эркин тадбиркор бўлишга журъат қила олмай турган кўплаб одамларни бизнесга жалб этиш имконини беради. Бўла-жақ лицензиатлар асосини энди иш бошлаётган бизнесменлар, тадбиркорликда янги иштирокдорлар очишни истайдиган ва бунга қодир кишилар ташкил этиши мумкин. Бу эса Президентимиз томонидан мамлакатимизда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон қилинган жорий йилда алоҳида аҳамият касб этади.

М.МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири

(Давоми. Боши
1-бетда)

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз мустақиллигининг ўтган 19 йили мобайнида жамият ҳаётининг кўплаб жабҳалари билан бир вақтда қонунчилик соҳасида ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Президентимиз раҳнамолигида кучли фуқаролик жамияти куриш йўлидан бораётган Ўзбекистон Республикасида айни пайтда инсон ҳуқуқи ва эркинликларини энг олий қадрият сифатида асос қилиб олган миллий қонунчилик базаси шакллантирилди. Мамлакатимиз тарихида биринчи мартаба икки палатали парламент ўз фаолиятини амалга оширди. Бу борада, Юрбощимиз таъкидлаганидек, биринчи бор 2004 йилда сайланган икки палатали парламентимиз фаолиятини таъкидлашимиз муҳим бир даврига — мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланаётган бир даврга тўғри келди. Ўзбекистоннинг олдида турган ушбу устувор вазифаларнинг барчасини ҳал қилишда парламентнинг аввалги таркиби мамлакатимизда олиб борилган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ишида катта аҳамиятга эга бўлган 250 дан зиёд қонунни қабул қилиб, муҳим ҳисса қўшди.

2004-2009 йилларда фаолият юритган икки палатали парламент ўз фаолияти даврида мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида улкан ўзгаришларни амалга оширди. Парламент назорати институти ролининг янада кучайиши жойларда қонун-

лар ижросини таъминлаган бўлса, сиёсий партиялар фракциясининг жорий этилиши жойлардаги ҳокимият вакиллик органларида улар таъсирининг янада ошишига олиб келди. Бу давр мобайнида парламентимиз томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг сифат ва асослашилари янада яхшиланди. Эътиборлиси, юртимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ишлар, хусусан, суд-ҳуқуқ тизимининг либераллаштирилиши, ўлим жазосининг

«Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болалар савдоси, болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив протоколга (Нью-Йорк, 2000 йил 25 май) қўшилиши ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги, «Стан-

Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6-моддасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қонунлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ходимлари томонидан тайёрланган «Янги қонунлар моҳияти» китобининг илк нашрида Олий Мажлис Сенатининг саккизинчи, тўққизинчи, ўнинчи, ўн биринчи, ўн иккинчи, ўн учинчи ҳамда ўн тўртинчи ялпи мажлисларида маъқулланган қонунларнинг мазмун-моҳияти юзасидан мақолалар тайёрланган эди. Мазкур китоб юзасидан кенг жамоатчилик вакилларидан, республикамизнинг турли вилоятларида истиқомат қилувчи аҳолидан кўплаб фикр ва мулоҳазалар келиб тушди. Айни пайтда бу китобнинг кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотганини ҳамда унга бўлган тақдирларини инобатга олиб, ушбу китобнинг иккинчи қисми нашр этилди.

Мазкур китоб кенг жамоатчиликка мўлжалланган бўлиб, фуқароларнинг билим савияси ва ижро этиш масъулиятини оширишда, тегишли ташкилотлар мансабдор шахслар ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Уни тайёрлашдан асосий мақсад — миллий қонунчилик мизмидаги ўзгаришлар мазмун-моҳиятини тизимли яхлит китоб шаклида ўқувчиларга етказиш, қонунларни амалиётга татбиқ этиш жараёнида амалий ёрдам беришдир. Зеро, аҳоли ҳуқуқий маданиятининг юксалиши мамлакатини модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим омилдир.

**Шухрат
РЎЗИНАЗАРОВ,**
юридик фанлари
доктори, профессор.
(ЎЗА)

МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

бекор қилиниши, қамоққа олиш тўғрисидаги санкциянинг судларга берилуши, адвокатура институтининг янада ислоҳ этилиши, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг қабул қилинишида парламенти-мизнинг роли бениҳоя каттадир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи, ўн олтинчи, ўн еттинчи, ўн саккизинчи, ўн тўққизинчи ҳамда йигирманчи ялпи мажлисларида Сенат томонидан 80 га яқин қонун маъқулланган бўлиб, уларнинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш ва амалиётга қўллаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилмоқда. «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий сугуртаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги, «Музейлар тўғрисида»ги,

дартлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш қарорлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 7-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида инвестицияларни либераллаштириш, рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2008 йил 15 август) ратификация қилиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 227-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги

ВАТАН ТУЙҒУСINI ШАКЛЛАНТИРИШДА МУҲИМ ОМИЛ

Жорий йилдан бошлаб, Халқ таълими тизимидаги барча умумтаълим мактабларида «Ватан ҳимоячилари куни» муносабати билан Мустақиллик дарсларининг мантиқий давоми сифатида 14 январь куни биринчи дарс соатлари «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч!» мавзусида ўтказилади.

Мазкур дарс соатларида ёшлар онгига мамлакатимиздаги бугунги осуда ҳаёт, тинчлик ва хотиржамликнинг замирида Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, қолаверса, аскар ва зобитларимизнинг туну кун ўзининг Ватан олдидаги фарзандлик бурчини сийқидилдан бажараётганлиги ҳаётини мисоллар билан очиб берилади. Шунингдек, мустақилликнинг моҳияти ва аҳамиятини, Ватан ягона эканлиги, уни ҳимоя қилиш, бойликларини асраб-авайлаш Ватанга садоқат — шарафли бурч эканлиги, ўқувчи ва ёшларда аждодлар меросига садоқат, миллий маънавиятдан баҳрамандлик, ўзига ишонч, умумбашарий қадриятларга ҳурмат, келажақ олдида масъуллиқ туйғуларини таъсирчан мисоллар орқали сингдирилади.

Ушбу дарсларни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад, ўқувчиларда Ватан туйғусини шакллантириш билан бирга уларнинг қалбларида юртимизнинг мард посбонлари, жасур фарзандларига бўлган ҳавас ва ишончни мустаҳкамлаш, «Мен — Ватан ҳимоячиси-ман» деган гурур ва ифтихор туйғуларини сингдиришдан иборат. «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч!» дарслари мустақиллик даврида ҳарбий хизматлари учун Давлат муқофотларига сазовор бўлган фахрийлар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ҳарбийлар, ота-оналар, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари ва нафақадаги педагоглар иштирокида ўтказилаётган-

лиги билан янада аҳамиятлidir.

Дарсларда ўқувчилар ўртасида «Она Ватан — менинг оилам», «Маҳаллам жамоли» ва «Менинг дўстларим» каби мавзуларда суҳбатлар, расмлар танлови, «Ватаним тақдирим — менинг тақдирим», «Ватан посбонлари», «Ўзбекистон ўғлонлари», «Мен — ватан ҳимоячиси-ман» мавзуларида иншолар танлови ҳамда мактабдан ташқари таълим муассасаларида «Ватан — остонадан бошланади» шиори остида расмлар танлови ва фотосуратлар кўргазмаси ташкил этилаётди.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ўртасида эса «Армия — ҳаёт мактаби» шиори остида ҳарбий спорт мусобақалари уюштирилмоқда.

Халқимиз ўз олдида эзгу ва улғу мақсадларни қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, авваламбор ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти куриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган замонда яшамоқда, — дейди «Туркистон-пресс» мухбирига Халқ таълими вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Жаҳонгир Мусаев. — Ватанпарварлик, жасорат, мардлик туйғусига таянган мазкур ҳарбий дарслар ўқувчилар қалби ва онгига — мустақил Ватанимиз хавфсизлиги учун масъуллиқ, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнига дахлдорлик туйғусини, ҳарбий тайёргарлик, сергаклик, ботирилик, юрт шаънини ҳимоя қилишдек бурчини сингдиришга хизмат қилади.

Азима ҚИЁСОВА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-интеллектуал ҳуқуқлари муҳофазасини оммавий ахборот воситаларида ёритилишига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Унда касаба уюшмалари ходимлари, ёзувчилар ва журналистлар иштирок этди, — дея хабар беради ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Н.Аллаёров Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар халқимиз фаровонлигини янада ошириш саломадлигини мустаҳкамлаш ва ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Бу жараёндан Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси томонидан ҳам салмоқли ишлар амалга оширилаётди.

Меҳнатқашлар, айниқса ёшлар ва хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, касб-ҳунар эгаллаш кўмаклашиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, фуқаролар учун муносиб меҳнат шaroитларини яратиш, касаначиликни янада ривожлантириш бўйича аниқ йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда. Бу эзгу саъй-ҳаракатлар қўламли, аҳамияти ва бераётган самаралари оммавий ахборот воситаларида изчил ёритилмоқда.

Федерация ҳамда унинг муассислигида чоп этилаётган «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» гезетлари тахририяти томонидан журналистлар, касаба уюшма ташкилотлари ходимлари ўртасида аънанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танлови бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилаётди.

Анжуманда мазкур танлов ғолиб ва совридорлари тақдирланди.

Сайёра ШОЕВА

ИШ ЎРИНЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Корхона чеварлари фаолияти хусусида алоҳида тўхталиш жоизки, цехларда буюртмага кўра тикилаётган кийим-кечаклар, кўрпа заёстик жилдлари, бошқа халқ истеъмоли товрулари турлари бозорни ўрганиш асносида р-тиб бормоқда. Маҳаллий хом ашёдан самаали фойдаланиб тикилаётган мазкур маҳсул-ларнинг республикамизнинг барча худудларида харидорлари бор.

Тикув цехи илгорлари яна бир масъулияли вазифани муваффақиятли адо этишмоқдаки, бу давлат байроқларини тайёрлашдир. Ани пайтда жамоада 240 дан зиёд давлатларнинг байроқлари буюртма асосида тикиб берилди. Бу борада, албатта сифатнинг муҳим ўрин эвллаши ўз-ўзидан аён. Шу ўринда махсулот я-тилишига муҳим ҳисса қўшаётган дизайнер-модельерларнинг хизматини алоҳида таъкид-лаш лозим. Уларнинг билим ва тажрибаси тах-сулот кўриниши ҳамда сифатида акс этиб, бую-юртмачилар сафи ортисида муҳим роль ўна-япти.


Тадбиркор аёл Маҳбура Қодированинг сый-ҳаракатлари билан мамлакатимиз вилоятлари-да ҳам корхона филиаллари муваффақиятли фаолият кўрсатиб, у ерда хотин-қизлар чун иш ўринлари яратишга эришилмоқда. Андиқон ва Фарғонада ташкил этилган филиаллар ик-римизнинг ёрқин мисолидир.

Корхонада кадрлар маҳоратини ошириш, ёшларга сабоқ бериб малакали мутахасис-лар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қарсил-ган бўлиб, ташкил этилган ўқув марказида ксб-хунар сирлари муқаммал ўргатилади. Янабир ибратли томони эса ўқув марказида тахсил ол-ган маҳалла ёшларини, албатта иш билан таъ-минлаш назарда тутилган. Улар касаначилар сафидан ҳам ўрин эгаллашлари учун имни-ятлар яратилган.

Бугунги кунда тадбиркор жамоа аҳли инги лойиҳалар устида изланмоқда ва бу рақбат-бардош махсулотлар билан ички бозорни таъ-минлаб, иқтисодиётимиз ривожига ҳсса қўшишда муҳим роль ўйнайди. Тошкентша-ҳар тадбиркор ва ишбилармон аёллар жо-мат бирлашмаси аъзоси бўлган Маҳбура Ёди-рова бир неча бор Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус» кўрик-танловининг Ол-мазор туман ва пойтахт босқичи ғолиб бўлган. «Энг яхши тадбиркор аёл» номини-яси ғолиблигини қўлга киритган. Азимтой-тахтимизнинг 2200 йиллиги муносабати би-лан ўтказилган «Энг намунали тадбиркор оила» кўрик-танловида олий ўринга сазвор бўлган. У Миср, Италия, Малайзия давлатла-рида бўлиб Бизнес форумларда муваффақи-ятли иштирок этган, ўзбек аёлининг сарҳия-тини хорижликларга намоян эта олган.

Интилганга толе ёр, деган нақлга ама қил-ган тадбиркор аёл бошчилигидаги кичи кор-хонанинг катта ишлари, албатта ўз самъаси-ни бериб, бу йилги ютуқлари ҳам салқоқли бўлади.

Шарифа ИЛҒОВА



ҲАМИША ЭЛИМИЗ АРДОҒИДА

Бугунги кунда Куролли Кучларимизда ўтказилаётган изчил ислохотлар жараёнида ҳарбий хизматнинг аҳамияти ва нуфузи янада юксалди. Ҳарбий хизмат ёшлар учун нафақат конституциявий бурчни ўташ, шу билан бирга жамиятда ўз ўрнини топиш, шарафли ва масъулиятли вазифага айланди. Зеро, мустақил Ватанини, халқимизнинг тинч ҳаётини ҳимоя қилишдан ҳам ортиқ муқаддас бурч йўқ.

Ўзбекистон тарихи давлат музейида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб «Мардлар кўриқлайди Ватанини» мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда ҳам шу хусусда сўз борди.

— Тинчлигимиз посбонлари, мард ва жасур ўғлонлар ҳамиша элимиз ардоғида, эъзозидан бўлган, — дейди биз билан суҳбатда Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими раҳбари Нигора Абдурахимова. — Бугун биз ҳам ушбу тадбирни ўтказишдан Куролли Кучларимизда олиб борилаётган ислохотларни тушунтириш, ёшларни, айниқса чақирув ёшида бўлган йигитларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, она-Ватанга бўлган гурур ва ифтихор ҳиссини янада ошириш каби хайрли мақсадларни кўзлаганимиз.

Тадбирда сўз олган Юнусобод тумани ҳокими ўринбосари Элёр Акбаров бугунги кунда мамлакатимиз тинчлиги-осойишталигини асрашда Куролли Кучларнинг ўрни, ҳарбийлар учун яратилган кенг имконият ва

шарт-шароитлар, эътибор ва ғамхўрлик ҳақида маълумот бериб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вакиллари, ТАТУ махсус факультети курсантлари, ҳарбий қисм офицерлари, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тадбирда «Тарих саҳифаларида Ватан ҳимоячиларининг ўрни» кинофильми намойиш этилди, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Ҳамид Олимжон номидаги маданият уйи санъаткорларининг чиқишлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Бобур Бобомуроднинг табрик шеърлари барчага манзур бўлди. Тадбир сўнгида иштирокчилар музей бўйлаб сайҳат қилишди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТДА: «Мардлар кўриқлайди
Ватанини» тадбиридан лавҳа
Козим Ўлмасов олган сурат**

